290894
Гос. книжная палата УзССР

*Илм — ўзни билмакдир*

# Маърифат

MARIFAT

معرفت

*Халқ зиёлилари газетаси* 1931 йилдан чиқа бошлаган **1994 йил 10 август, чоршанба** № 38 (6625). Баҳоси сотувда эркин нархда.

**Жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида шу йил 8 августда ўқувчилар учун зарур буюмлар билан савдо қилувчи мактаб бозорлари очилди. Улар 10 сентябргача ишлайди.**

**Ҳар томонлама етук, билимдон, айниқса, информатика фани соҳаси бўйича саводхон ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан.**

**Огоҳ бўлинг: болаларда кўча ва йўлларда юриш маданиятининг етишмаслиги кўплаб бахтсиз ҳодисаларнинг рўй беришига сабаб бўлмоқда.**

## ТАШКИЛОТ ҚЎМИТАСИ ЙИҒИЛИШИ

6 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги кунининг уч йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Яқинда Республика Президенти Ислом Каримов ушбу муҳим тадбирга тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан танишиб, халқимиз ҳаётидаги буюк байрамни ҳар жиҳатдан юксак савияда ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган, бу борада тегишли йўл-йўриқлар берган эди. Йиғилишда улар қандай ижро этилаётгани муҳокама қилинди. Тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ана шу хусусдаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда қутлуғ байрамга пухта ҳозирлик кўриш, айниқса, кенг кўламли ободончилик юмушларини вақтида амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Янги ўқув йили яқинлашиши муносабати билан мактаб ўқувчиларини ўқув қуроллари, кийим-кечаклар ва зарурий ашёлар билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Ўзбексавдо" давлат ассоциацияси "Ўзбекбирлашув" бошқаруви биргаликда чиқарган "1994-1995 ўқув йилига мактаб товарлари билан савдо қилишга тайёргарлик тўғрисида"ги махсус буйруқни амалга ошириш учун жойларда қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида мактаб ўқувчилари учун зарур моллар билан савдо қилувчи ярмаркалар, бозорларда 8 августдан савдо бошланди. Бундай бозорлар 10 сентябргача мунтазам ишлаб туради.

Маълумки, Ўзбекистон таълим тизими муассасаларида таҳсил кўраётган ёшларнинг аксарияти қишлоқ мактаблари ўқувчиларидир. Уларни зарур ўқув қуроллари, ашёлар, кийим-кечаклар билан таъминлаш Ўзбекистон Матлубот кооперацияси акционерлик жамиятлари зиммасига тушади. Қишлоқ мактабларининг 3 миллион 360 минг ўқувчисини дафтарлар, ёзув ва чизув қуроллари, портфеллар, махсус кийимлар, пойафзаллар билан таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда? Жойларда ташкил этилаётган мактаб ярмаркалари ва бозорларини мол билан таъминлаш имкони борми?

"Ўзбекбирлашув" бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Е. Г. Ивановнинг маълум қилишича, белгиланган графикка мувофиқ июнь ойидаёқ барча вилоятлар матлубот жамиятлари бошқаруви раиси ўринбосарлари, республика, вилоят, туманлари таъминот базалари раҳбарларининг амалга ошириладиган ишлар бўйича ҳисоботлари эшитилган ва энг муҳим вазифалар белгиланган. Вилоят матлубот жамиятлари бошқаруви раислари иштирокида "Ўзбекбирлашув" бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида қишлоқ мактаблари ўқувчиларини турли хилдаги зарур моллар билан таъминлашнинг аҳволи атрофлича кўриб чиқилиб, четдан келтириладиган ва ўзимизда мавжуд молларнинг кўпайтирилиши бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Матлубот жамиятлари тизими маълумотлари бўйича шу йил 1 августга қадар улар қўлида ўқувчиларга савдо учун 22,5 миллион дона дафтар, 1 миллион донадан зиёд расм дафтари, 759 минг дона кундалик дафтар, 3,5 миллион дона золдирли авторучка, 750 мингта қора қалам, 337 минг қути бўёқ қалам, 530 мингта портфел ва бошқа ашёлар мавжуд. Булар қишлоқ ўқувчилари эҳтиёжининг ярминигина қондиради, холос. 1 сентябргача четдан келтириладиган товарларни инобатга олганда булар эҳтиёжнинг 65 фоизинигина қондиради.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 мартдаги 195-қарорини сўзсиз бажариш учун

"Ўзбексавдо" томонидан маданий моллар савдоси бўйича "Ўзбекбирлашув" Республика улгуржи базаси мол етказиб берувчилар билан 12,4 миллион сўмлик ҳажмда шартнома тузди.

Қамаши ва Ёзёвон фабрикалари тузилган шартномалар асосида Россия корхоналарига 33 вагон пахта толаси жўнатдилар. Бунинг эвазига дафтар, ручка, қалам ва бошқа ўқув қуролларини олиш мўлжалланган.

"Совпластитал" қўшма корхонасидан 150 минг сўмлик пластмасса буюмлари олинди, "Ўзинтерм" корхонаси эса ўз термосларини Москва шаҳрининг "Мурод" савдо уйига жўнатди ва бунинг эвазига ёзув куроллари олинади. Томск шаҳрига жўнатилган карам ҳисобига 26 минг дона қалам олинади.

Республика, вилоят, туманлараро улгуржи савдо базалари, кооператив ташкилотлари четга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатиш ва шу ҳисобдан ўқув моллари олиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар шу мақсадда 20 июлга қадар МДҲ давлатларига 2 минг тоннадан ортиқ маҳсулот жўнатишди.

Ип-газламадан 1 – 4-синфларнинг ўқувчилари учун мактаб формалари ишлаб чиқариш масаласи ҳам ҳал этилди ва айни пайтда савдо ташкилотларига етказиб берилмоқда. Ўтган бир ой давомида барча хилдаги бундай кийимлар умумий ҳажмининг 20-30 фоизи ишлаб чиқарилиб, жойларга етказилди.

Матлубот бирлашмалари савдо ташкилотларида мактаб ўқувчилари учун турли хилдаги 3,8 миллион жуфт пойафзал мавжуд. Бу умумий эҳтиёжнинг 76 фоизини қоплайди. Йил охиригача эса эҳтиёж тўлиқ қондирилади.

Ҳозирги пайтда "Ўзбекбирлашув" бошқарувининг масъул ходимлари Қорақалпоғистон республикасида, бир қатор вилоятларда бўлиб савдо ишларини ташкил этиш, мактаб бозорларини етарли миқдорда таъминлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатаётирлар.

– Умуман, мактаб бозорлари ва ярмаркаларини намунали уюштириш, ўғил-қизларни ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан эҳтиёжига яраша таъминланишига шарт-шароит яратиш, – дейди Е. Г. Иванов, – биз, қишлоқ савдо ходимларининг шарафли ишимиздир.





*Тест синови — давр талаби*

## ТАЛАБА ТАНЛАШ МУРАККАБ ЖАРАЁН

**Халқлар дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти республикамиздаги педагог кадрлар тайёрлайдиган йирик олий ўқув юртларидан биридир.**

**Институт маъмурияти, жамоат ташкилотлари ҳар йили ёзда талабаларни танлаш жараёнига пухта тайёргарлик кўришади. Бу йилги мавсум олдингиларидан ишнинг пухта ташкил этилганлиги, кенг ошкоралик, ҳар бир абитуриентга нисбатан алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, қулай шарт-шароит яратилганлиги билан фарқ қилди.**

**Ҳужжатларни топширган кундан бошлабоқ абитуриентлар институтнинг энг тажрибали профессор-муаллимларидан консультация олиш имконига эга бўлишди. Бу жараён 3 августгача давом этди. 4 август куни тест олдидан "бош машқ" ўтказилди. Абитуриентлар тест топшириладиган аудиторияларга киритилиб, тестдаги талаблар, уларни қандай қилиб расмийлаштириш йўллари билан танишишди. Институтнинг қабул ҳайъатига 23 мутахассислик бўйича 2868 абитуриентдан ариза тушди. Эълонлар доскасида ва махсус экранда ҳар бир мутахассисликка тушган аризалар миқдори, шаклланган гуруҳлар, режалар мунтазам ёритилиб борилди.**

**Қабул ҳайъати раисининг муовини абитуриентлар ва ота-оналарни қизиқтирган масалалар бўйича саволларга жавоб бериб борди. Институт ректори, профессор Комил Юсупов ва проректор Э. Умурзоқов ҳар куни абитуриентларни, ота-оналарни қабул қилишди.**

**Бадиий графика, бошланғич ҳарбий таълим ва спорт мутахассисликлари бўйича абитуриентлар тестдан олдин ижодий синовлардан ўтишди.**

**Тест синови куни институт ҳовлисида ҳақиқий бир кўтаринки руҳ ҳукмронлик қилди. Назоратчилар раҳбарлигида абитуриентлар тартиб билан тест синовларидан ўтадиган аудиторияларга бошлаб кирилди. Ҳамманинг кўзида илинж, интилиш ва ишонч туйғулари. Синовга шошилаётган абитуриентларга қараб маърифатга, илмга интилаётган йигит ва қизларимиздан фахрланасан киши.**

**Мухбиримиз.**

**Суратларда: тест синовидан лавҳалар.**

**Ҳ. СОЛИҲОВ олган суратлар.**

*Янги ўқув йилига тайёрмисиз?*

## РАҲБАР ТАДБИРКОР БЎЛМАГАЧ...

Янги ўқув йилининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Ўқувчиларнинг пухта билим олиши ҳамда ўқув жараённинг самарали бўлиши мактабларнинг қай ҳолатда тайёрланганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хўш, мактабларда бу борадаги ишлар қай йўсинда олиб борилипти?

Хўжайли шаҳридаги мактабларни назардан кечирар эканмиз, мактаб таъмири ўлда-жўлда, ўз ҳолига ташлаб қўйилганининг гувоҳи бўлдик. Чкалов номидаги мактабда ажиб манзаранинг устидан чиқдик. Бир гуруҳ киши деворлари нураб тушган синфхона деворлари атрофида уймалашиб юрибди. Суриштириб кўрсак, ўқитувчилар экан. Биз изоҳ истаб, мактаб директори Қулжон Егизқораевга мурожаат қилдик. У кишининг таъкидлашича, мактаб биноси 1961 йилда хом ғиштдан тикланган. Йиллар ўтиб, шўрхок ерлар таъсирида, бино пойдевори чўккан, пол-тахталари чириган. Шу йил бошида 2 та синфхонанинг деворлари ёрилиб, нураб тушиш хавфи туғилди, уларда машғулотлар тўхтатилди.

Юқори идораларга қатнайвериб, тинка-мадори қуриган директор охири шундай ваъда олди: "Хўп, биз синфхонани тиклаб берамиз, лекин унинг ўрнини тозалаш ўқитувчилар зиммасида бўлади. "Бизда ортиқча ишчи кучи йўқ". Мана, сизга мактаб ва маорифга эътибор! М на, сизга Хўжайли шаҳридаги кўпгина мактабларга хос бўлган ҳолатнинг яққол намунаси.

Шу кунгача мавжуд 19 та мактабдан 7 тасигина жорий ремонтдан чиқиб, тахт қилиб қўйилди. Қолганлари-чи? Ҳокимият қарори билан мактабларга бириктириб қўйилган оталиқ ташкилотларининг фаолияти хўжакўрсинга шекилли, улар мактабларни алдаб, ваъдадан нарига ўтишмаяпти.

Яна бир муаммо. Шаҳардаги 8 та мактабда ўқиш уч сменада, қолган 11 тасида икки сменада олиб бориляпти. Ўқувнинг бундай сиқиқ ҳолда олиб борилиши ўқувчилар билим савиясининг пасайишига сабаб бўлиши, шубҳасиз.

Бугунги кунда тадбиркорлик раҳбар ходимнинг асосий сифатларидан бири бўлиши керак. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири Мапур Холмуротовга эса айнан шу хислат етишмаётганга ўхшайди. Қандай бўлмасин, имконият топиб, ундан фойдаланиш керак. Зотан, имкониятни биров қўшқўллаб тутқизмайди.

**Ғ. ЁҚУБОВ,**
**ўз мухбиримиз.**

**Жажжи болакай шеър ўқияпти. Шеърида Ватан мадҳи бор. Шеърида она юртга чексиз муҳаббат туйғуси жо. Шеърида миллий қадриятларимизга ҳурмат, анъаналаримизга садоқат, ям-яшил боғ-роғлари, серҳосил далалари, гуллаб-яшнаётган шаҳру кентлари бисёр ўлкамиз гўзаллигидан ҳайрат мужассам. Шеърида яна офтобдай ёруғ ва ҳароратли бир сўз, бир ҳис бор. Унинг номи Мустақиллик.**

**... Биз борган пайтда Акмал Икромов туманидаги 592-болалар боғчасида катта ва тайёрлов гуруҳи болалари билан Мустақиллик кунининг 3 йиллик байрамига бағишланган машғулот ўтказилаётган экан. Хона деворларида истиқлолимизни улуғловчи, юртимиз қудратини ифодаловчи шиорлар, суратлар осилган. Кўргазмали қуроллар, альбомларда ҳам худди шу мавзу ўз аксини топган.**

## ГЎДАКЛАР АНГЛАЁТГАН КАЛОМ

**Шеър тугагач, бундан олдин ўтказилган "Менинг диёрим — Ўзбекистон", "Она шаҳрим Тошкент", "Гулла-яшна, она-Ватан" мавзуидаги машғулотларда берилган топшириқларга бир неча бола жавоб қайтарди. Шундан сўнг тарбиячи пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонига уюштирилган саёҳат тафсилотларини сўраб суриштирди. Болалардан қизиқарли жавоблар олгач, янги машғулот бошланишини эълон қилди.**

**Янги машғулот — "Истиқлолимиз — ғуруримиз" мавзуида бўлди. Даставвал тарбиячи мустақиллик сўзининг теран маъносини содда тил билан тушунтирди, сўнгра кўргазмали қуроллар ва альбомлардаги суратларда акс эттирилган ҳолатларни ҳикоя қилди.**

**Машғулот тугагач, боғча мудираси Маҳфуза Умарова ва услубчи Дилдора Шерхўжаевалар билан суҳбатлашдик. Уларнинг таъкидлашларича, боғчанинг йиллик иш режасида мазкур мавзудаги машғулотлар анчагина кенг ўрин эгаллаган экан.**

**— Чунки гўдакликда қонга сингдирилган туйғу умр бўйи инсонни тарк этмайди, — деди мудира Маҳфузахон Умарова.— Биз боғчамизда тарбияланаётган 500 нафарга яқин боланинг ҳар бирига миллий ғурур, Ватанга муҳаббат тушунчаларини чуқур сингдириб тарбиялашни истаймиз.**

**Бу гапларда эзгуликка интилиш туйғуси мужассам. Зеро, шоир ҳам топиб айтган:**

**"Гўдак англаб етган ҳар битта калом,**
**Билгил, кашф этилган янги бир олам".**

**З. УСМОНОВА,**
**мухбиримиз.**

**БУ СИЗНИНГ КИТОБИНГИЗ: ЎҚИНГ, ЎРГАНИНГ, АВАЙЛАБ-АСРАНГ!**




**КУНДАЛИК КУЗАТИШ ДАФТАРИ**

Умумтаълим мактабларининг 4-синф ўқувчиларига мўлжалланган бу дафтар "Ўқитувчи" нашриёти томонидан 1994 йилда икки юз етмиш минг нусхада чоп этилган. Муаллифлар Аида Григорянц, Елена Бельская. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**

Бу дарслик рус тилида ўқитиладиган тўрт йиллик бошланғич мактабларнинг тўртинчи синф ўқувчилари учун. "Ўқитувчи" нашриёти, 1994. Тиражи қирқ етти минг. Муаллиф Марям Усмонова. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган.

*Янгиликка кенг йўл*

## ИШ БИЛГАН ЮТАДИ

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида катта ўзгаришлар содир бўлаётир. Бироқ халқ таълими тизимида янги иқтисодий муносабатлар анчагина қийинчиликлар билан ва суст суръатларда жорий этилмоқда. Давлат томонидан тўлиқ таъминланиб келинган таълим муассасаларида янги ўзгаришлардан бироз эсанкираш ҳоллари учраяпти. Чунки муассаса биносини таъмирлаш, ўқиш жараёнини замонавий ўқув-кўргазмали қуроллар билан таъминлаш, қолаверса, педагогик ходимларни ва илғор ўқувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб туриш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиб бориш каби муаммоларни эндиликда мактаб, мактабдан ташқари муассасалар раҳбарлари, жойлардаги халқ таълими бўлимлари билан биргаликда ўзлари ҳал қилишларига тўғри келаётир.

Ҳа, муаммолар кўп, лекин шу билан бирга муаммоларни ҳал қилиш учун ҳуқуқий асослар ва имкониятлар ҳам яратилмоқда. Эндиликда улардан унумли фойдалана билган муассасалар ўзларининг иқтисодий аҳволларини яхшилаб олишаётир.

Сирдарё вилоятида ҳам бу соҳада бир қатор намунали ишлар амалга оширилаяпти. Вилоятда янгича иқтисодий муносабатлар халқ таълими тизимига икки йўналишда жорий қилинмоқда. Биринчидан, иқтисодий билимлар, янгича иқтисодий муносабатлар бевосита таълим жараёнига киритилаётир. Ўқувчилар ўқув дастурларини ўзлаштириш билан бирга факультатив тарзда ва амалий машғулотлар орқали иқтисодиёт қонунлари, бозор иқтисоди асосларини ўрганишмоқда. Шу билан бирга, муассаса иқтисодиёти ва моддий базасини мустаҳкамлаш, педагогик ходимларни иқтисодий-ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида тайёр маҳсулотлар чиқариш ҳамда уларни савдо шахобчалари орқали сотиш ишлари ҳам йўлга қўйилаётир.

Кейинги бир йил ичида халқ таълими бошқармаси ва вилоят халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси томонидан иқтисодий таълимни ўқув жараёнига жорий қилишга қаратилган, таълим муассасаларида бевосита иқтисодий фаолият юритишга ёрдам берувчи бир қанча методик тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда тарқатилди. Халқ таълими мутахассислари орасида, айниқса, "Ўрта мактаблар қошида ёрдамчи хўжаликлар", "Паррандачилик – етти хазинанинг бири", "Чорвачилик – маъмурчилик асоси", "Деҳқончилик ва замонавий иқтисодий муносабатлар", "Ўрта мактаблар қошида кичик корхоналар ташкил қилиш", "Халқ ҳунармандчилиги" каби методик қўлланмалар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дастлабки амалий натижалар ҳам чакки эмас. Қатор мактаблар ва мактабдан ташқари муассасасаларда турли йўналишлардаги иқтисодий фаолият ўз самарасини кўрсатаётир. Масалан, Боёвут туманидаги 8-ўрта мактабда кичик корхона ташкил қилиниб, бир неча йўналиш бўйича тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил қилинган. Тикувчилик, қандолатчилик, нон маҳсулотлари цехларининг маҳсулотлари элга манзур бўлмоқда. Дурадгорлик цехида эса эшик-деразадан тортиб ДСП тахталаригача тайёрланаяпти. Тўқимачилик сирларини ҳам ўқувчилар ўзлаштириб олишди. Бу ерда Сирдарё музофотида биринчилардан бўлиб миллий мато – атлас тўқиб чиқарила бошланди.

Кичик корхонанинг яна бир афзал томони шундаки, бу ерда ўқувчилар ўзлари ёқтирган касб-ҳунар асосларини ҳам эгаллайдилар. Эндиликда болалар мактабни битириш жараёнида бирор ҳунарнинг ҳам соҳиби бўлиб, ҳаётга йўлланма олмоқдалар. Ҳалол меҳнат билан ишлаб топилган даромад эса мактаб эҳтиёжларига, турли ташкилий-тарбиявий тадбирларга, қолаверса, ўқувчилар ва устозларни моддий рағбатлантиришга сарфланаётир. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги-янги дастгоҳлар ва ускуналар олиш ҳам шу маблағлар ҳисобидан амалга оширилаяпти.

Янгиер шаҳар тиллар интернатидаги ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Бу ерда керакли ускуналар сотиб олиб, қурилиш учун энг зарур маҳсулот – блок ғиштлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Якка тартибда уй қурувчилар, корхона ва ташкилотлар бу маҳсулотни бажонудил харид қилиб олишмоқда. Халқ таълими муассасалари ва ўзларининг ходимларига блок ғиштлар имтиёзли нархларда берилаяпти. Интернат жамоаси ўз ихтиёридаги ер-майдондан ҳам унумли фойдаланмоқда. Етиштирилган турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари интернат жамоаси эҳтиёжини бемалол қондирмоқда, ортиқчаси эса махсус дўконларда аҳолига сотилаяпти.

Амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар учун шарт-шароит яратишда маҳаллий ҳокимиятлар ҳам жон куйдираяпти. Айниқса, Оқолтин, Боёвут, Гулистон, Сайхунобод туманларининг бу борадаги фаолиятлари таҳсинга сазовор. Бу туманларда халқ таълими муассасаларига моддий, ташкилий ёрдам бериш яхши йўлга қўйилган. Мактабларга ер ажратиб бериш, тайёр маҳсулотларни сотиб олиш, савдо шахобчаларини очишда кўмак бериш, керакли хом ашё ва ускуналар билан таъминотни уюштиришда ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ечишда туман ҳокимлари бевосита иштирок этишаётир.

**МИРСОЛИҲОВ,**
**А. АСРОРОВ,**

## Август кенгашлари олдидан

*Саноқли кунлардан кейин ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари бошланади. Унда халқ таълими фидойилари ўзларини қизиқтираётган барча масалалар юзасидан фикрлашиб олишади. Шунингдек, илғор, изланувчан ўқитувчилар халқ таълими соҳасида амалга ошираётган ишлари, тажрибалари хусусида ҳамкасбларига сўзлаб беришади. Ушбу саҳифада таълим-тарбиянинг баъзи жиҳатлари хусусида муаллимлар билдирган фикр-мулоҳазалар, таклиф-истаклар билан танишасиз.*

# МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Бугунги кунда ҳар томонлама етук, билимдон, айниқса, информатика фани соҳаси бўйича саводхон ёшларни тарбиялаш илм масканлари, янги типдаги мактабларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолмоқда. Ўқувчиларнинг шахсий ЭҲМ (ШЭҲМ) билан мустақил мулоқотда бўлиш қобилиятини шакллантириш ҳар бир муаллимдан чуқур билим ва юксак маҳорат талаб этади. Бунга эришиш учун у ўз устида тинмай ишлаши, изланувчан, янгиликка иштиёқманд бўлиши лозим.

Ҳозирги кунда кўпчилик мактабларда ҳар хил компьютерлар билан жиҳозланган, замон талабларига мос синфхоналар мавжуд. Жумладан, бизнинг мактабимизда ҳам "КУВТ Тошкент АГАТ-9" ШЭҲМ билан жиҳозланган синфхонаси бор. 1991 йил сентябрь ойидан буён ўқувчиларга информатика фанидан компьютерларда машғулотлар олиб бораяпмиз. Мавжуд машиналарнинг тўлиқ ишлашини таъминлаяпмиз. Мақсадимиз яқин кунларда бошқа фанлардан ҳам дарсларни компьютерлар ёрдамида сермазмун ва қизиқарли қилиб ўтказишдир.

Қишлоқ мактабларида айнан шу соҳа бўйича мутахассис муаллимлар етишмаслиги сабабли кабинет мудирларининг кўпчилиги математиклар ёки физиклардир. Улар баъзан компьютерда дарс бериш жараёнида қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Шу боис, мен ўз тажрибаларимнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Компьютерда дарс ўтиш вақтида муаллим, биринчи навбатда, ўқувчиларга мактабда мавжуд "АГАТ-9", "Ямаха М-2", "Ямаха М Х-1", "IBM PC/XT", "Правец-8А", "Корвет" ва ҳоказо ЭҲМлар нима учун ШЭҲМлар деб аталишини, уларнинг қўлланилиш соҳаларини, яъни бу ШЭҲМлар фақат диалог тартибида ўқитишда эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам ишлатилиши мумкинлигини аниқ мисоллар билан тушунтириб бериши керак. Бугунги кунда ШЭҲМлар, идора, маданий-маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, информацияларни сақлаш ва қайта ишлаш ишларида ва бошқа бир қанча соҳаларда узлуксиз қўлланилмоқда. Кўплаб ШЭҲМлар, жумладан, "КУВТ АГАТ-9" маркали ШЭҲМлар ҳам асосан бугунги кунда оммавийлашиб бораётган Бейсик дастурлаш тилида диалог тартибида ишлайди.

Муаллим ШЭҲМларнинг дастурлаштириш тилида ишлашининг сабаби, унинг яратилиши, ҳозирги кунги мавқеи, берилган дастур бўйича масалани одам иштирокисиз, автомат тарзда ечиши, дастур машинанинг хотирасига ёзилиши ва бошқа дастур билан алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида ўқувчиларга тушунча бериши шарт.

Дастурлаштириш тилига ўтишдан олдин компьютернинг калькулятор режимида ишлаши мисоллар ёрдамида ўқувчиларга кўрсатилса, улар ШЭҲМларнинг ба рча турдаги микрокалькуляторлардан афзал, қулай томонларини тезда англаб оладилар, компьютерга қизиқишлари ортади.

Информатика фанидан дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш, мустақил ишлаши, мустақил фикрлаши, берилган топшириқларга содда дастурлар тузиши ва ШЭҲМда тезда жавоб олишларига эришиш учун қуйидаги талабларга қатъий амал қилиш зарурдир:

Дастлаб ўқувчиларни клавиатурани тўлиқ ўзлаштириб олишга, компьютерда ишлаш, санитария-гигиена ва техника хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қилишга, амалий машғулотларга ҳар доим назарий машғулотларда ёки ўзлари уйда мустақил тузган тайёр дастур билан келишга одатлантириш лозим. Сабаби, дарс жараёнида 8—9-синф ўқувчиларнинг 25-30, 10—11-синф ўқувчиларнинг 30-35 дақиқа компьютерлар билан ишлашини таъминлаш зарур. Баъзи пайтларда содда машқларга амалий машғулотнинг ўзида дастурлар тузиб, жавоблар олишга эришиш мумкин.

Дарс жараёнида тарқатма материаллардан, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш, имкони бўлса, диафильм, кино ва телекўрсатувлардан фойдаланиш, назарий ва факультатив машғулотларда ўқувчилар ўртасида ўзаро савол-жавоблар ўтказиб туриш, тўгарак машғулоти ташкил этиш лозим. Ҳар чорак охирида ўқувчилар билимини яна бир бор тест усулида текшириш мақсадга мувофиқдир.

Изланишлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 24 августда қабул қилган "Педагог ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда битим шаклига ўтиш тўғрисида"ги қарор асосида ишлаш йил давомида энг яхши дастур бўлиб қолишига амин бўлдим. Битим асосида мактаб информатика хонаси негизида "Компьютер" номли кичик босмахона ташкил этдим. Ўқувчиларимдан икки нафари менинг раҳбарлигимда ишламоқда. Мактабга керакли ҳужжатларни нусха кўчириш қурилмаси ёрдамида ўзбек тилида тез ва сифатли қилиб тайёрлаб бераяпмиз.

Зарурат туғилганда, мактаб хўжалигининг айрим ҳисоб-китоб ишларини ҳам бажараяпмиз. Битимга кўра, баъзи хизматларимиз пулли бўлади. Тушган пулнинг бир қисмини хонани жиҳозлашга, нусха кўчириш қурилмасининг бенуқсон ишлашини таъминлашга сарфлаймиз, бир қисмини эса ишчи ўқувчиларга маош сифатида тарқатамиз. Қолгани мактаб ҳисоб рақамига ўтказилади. Албатта, бу юмушлар дарсдан сўнг ва дам олиш кунлари бажарилади.

Келажакда мактабда ҳисоблаш маркази ташкил этиш имкониятларини қидираяпмиз. Мақсадимиз — ўқувчиларни ҳалол меҳнат билан пул топишга ўргатиш ва уларнинг малакали мутахассислар бўлиб етишишларига кўмаклашишдир.

**Бахтиёр БЎРОНОВ,**
**Нурота туманидаги 9-ўрта мактабнинг 1-тоифали математика-информатика фанлари муаллими.**

# БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ УСУЛИ

Коммунистик мафкура даврида барча жабҳаларда иш юритишнинг маъмурий буйруқбозлик услуби томир отган бўлиб, халқ таълими ҳам бундан мустасно эмас эди. Хусусан, ўқитувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тизими ҳам ўша давр маҳсули десак, хато бўлмас. Кейинги йилларда билимни баҳолашнинг тест ва рейтинг усулларидан фойдаланиш ана шу ноқулайликлардан қутулишнинг бир йўли экани кўпчиликка маълум бўлиб бормоқда. Мен ўқувчиларга бу усулнинг афзалликларини тушунтирдим ва 1994 йил бошидан бошлаб 10-синфда шу усулдан фойдалана бошладим. Тўғри жавоб берилган битта тест саволини 3 балл, мустақил бажарилган битта масала ёки амалий машғулотни, шунингдек, ишда тўғри бажарилган битта масалани ҳам 5 балл билан баҳолашни, чорак давомида 80—100 балл тўплаганларга "5", 60—80 балл тўплаганларга "4", 40—60 балл тўплаганларга "3" ва бундан кам кўрсаткичларга "2" баҳо қўйилишини келишиб олдим.

Ўқувчилар тўплаган балларни ҳар ҳафтада физика хонасига осиб қўйилган жадвалга қайд қилиб борди. Учинчи чорак якуни бўйича ўқувчилар 65—152 баллгача тўпладилар. Чоракка қуйидагича баҳо чиқардик: 120—152 балл тўплаганларга "5", 90—120 балл тўплаганларга "4", 60—90 балл тўплаганларга "3" баҳо қўйдик.

Тажриба шуни кўрсатяптики, рейтинг усулидан фойдаланилганда ўқувчилар "Паст" баҳо олиб қолмасмиканман", деган хавотирдан қутулиб, илм олишга интилишлари кучаяр экан. Оқибатда фаол ўқувчилар бир соатда 15 тагача масала ечишга улгурдилар, (Масалалар ичида юлдузча билан белгиланган мураккаблари ҳам бор).

Энди 10-синфда IV чоракда "Суюқликларда электр токи. Электролиз қонунлари" мавзуини ўтиш ва шу мавзу бўйича ўқувчилар билимини баҳолаш ҳақида тўхталаман. Мен синфдаги вазиятни, электролиз қонуни катта аҳамиятга эга қонунлардан эканлигини ҳисобга олиб, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларни қуйидагича белгиладим.

**Таълимий мақсад** ўқувчилар кимё ва физика дарсларида ўрганган, мавзу учун зарур бўлган, тушунчаларни такрорлаш. Фарадейнинг биринчи ва иккинчи қонунини, электрокимёвий эквивалент, кимёвий эквивалент ҳамда Фарадей доимийсининг физикавий маъносини тушунтириш, қўшимча дидактик материаллардан фойдаланиш, масалалар ечиш.

**Тарбиявий мақсад:** электролиз қонунининг амалий аҳамиятини очиш орқали ўқувчиларда физика фанига меҳнатга ва илмга қизиқиш ҳосил қилиш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчиларда мустақил ишлаш ва фикрлаш, хулоса чиқариш малакасини ривожлантириш.

Дарсларнинг бориши. Ўқувчиларга Фарадей қонунлари бошқа қонунлар каби хоссалари бир-биридан жуда узоқ бўлган турли физик катталикларнинг ўзаро боғланишни ифодалаши, бу қонунни тушуниш учун эса кимё ва физикадан олинган билимлар зарур эканлиги тушунтирилади. Зарур тушунчалар такрорлангач, дарс баёни бошланади. Суюқликлардаги ўтказувчанлик, электролиз ва унинг қўлланилиши ҳақида маълумот берилади. Электролизнинг қўлланилиши ҳақида гапирилганда, мен, албатта, Олмалиқ шаҳридаги мис бойитиш фабрикаси ва мис заводи ҳақида, у ерда ишлаётган ёшларимиз ҳақида сўз юритаман. Зеро, собиқ ўқувчиларимизнинг аксарияти ўша жойларда турли лавозимларда ишламоқдалар.

Кейин Фарадей қонунлари тушунтирилади. Бунда Фарадейнинг биринчи Қонунининг (электродда ажралган модда массасининг зарядга пропорционаллиги), кимёвий эквивалентнинг (Атом массасининг валентликка нисбати), Фарадейнинг иккинчи қонунининг (электрокимёвий эквивалентнинг кимёвий эквивалентга пропорционаллиги), Фарадей доимийсининг тенгламалари ва бу тенгламаларнинг физикавий талқини тушунтирилади. Айниқса, Фарадей доимийсининг физик мазмунига (электролит орқали Фарадей доимийси —96500 га тенг миқдорда заряд ўтса, электродда бир моль модда ажралади. Бу доимийнинг қиймати моляр масса ва валентликка мутлақо боғлиқ эмас) алоҳида эътибор бериш зарур, сабаби, бу ҳақда дарсликда ҳеч нарса айтилмаган.

Синф тахтасидан таянч материалларни ўқувчилар ёзиб олгач, уларга: "А. П. Римкевичнинг "Физикадан масалалар тўплами"дан 840—856 масалалардан қай бирини ишлаб кўрсатай", деб мурожаат қилдим. Улар: "Аввал ўзимиз бир уриниб кўрайлик-чи", дейишди. Дарс тугади. 843-,854-масалалар бўйича балл қўйилишини маълум қилдим. Ўқувчилар уйида ва кейинги бир соатлик дарсда 3 тадан 17 тагача масала ишладилар. Ўқувчилар шу мавзуга оид 12 та масала ва тест саволлари асосида баҳоланди. Масалалар ечиш бўйича 20-60 оралиғида, тест саволлари бўйича 6-16 оралиғида балл олдилар. Бу баллар жадвалга қайд этиб қўйилди (Тўпланган баллар орасидаги катта фарқнинг сабаби, шу синфда олимпиадачи ўқувчилар ҳам бор, улар учун масалалар тўпламидаги масалалар қийинчилик туғдирмайди).

Бундан ташқари, ўқувчиларга исталган пайтда бажарган ишларини кўрсатиб балл олишга рухсат этилган, бу эса маълум даражада ўқувчиларга шерикларидан ортда қолмасликка имкон яратади.

Хуллас, шу синфдаги 22 ўқувчининг 8 нафари ўқув йилини "5" баҳо билан якунлади. Ниятимиз янги ўқув йилида ҳам баҳолашнинг рейтинг усулидан фойдаланишдир.

**Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ,**
**Пискент тумани Шайхзода номидаги мактабнинг олий тоифали методист-ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси.**



**Август кенгашларининг кўнгилдагидек ўтиши кўп жиҳатдан педагогик жамоаларининг пухта ҳозирликларига боғлиқ. Буни яхши англаган Шайхонтоҳур туманидаги 82-мактаб директори Дилбар Каримова ҳар бир ўқитувчи зиммасидаги вазифалар хусусида мунтазам суҳбатлар олиб бормоқда.**

**Суратда: Д. Каримова бошланғич синф ўқитувчиси Н. Аҳматова билан амалга оширилажак тадбирлар тўғрисида фикрлашмоқда.**

**Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.**

# УЙҒУНЛИК

Бугунги кунда экологик муаммолар тобора кескинлашиб бормоқда. Табиий бойликлардан фойдаланишда онгли равишда иш юритиш, табиатни муҳофаза этиш тарихий зарурат ва энг муҳим вазифа бўлиб қолди. Бу муаммоларга лоқайдлик эса табиий ресурсларнинг тугаб қолиши, жамият ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши каби кўпгина умуминсоний фожиаларга сабаб бўлиши мумкин.

Хўш, олий ўқув юртларида, мактабларда табиатни муҳофаза этишга оид билимларни ўқитишни қандай ташкил этиш керак? Бу билимларни ўқувчиларга беришда қандай шакллардан фойдаланиш самаралироқ?

Табиат муҳофазаси дарсларини фақат дарсхоналарда эмас, табиат қўйнида, сайр ва саёҳатлар шаклида ўтказиш катта аҳамиятга эгадир.

Сайр ва саёҳатлар пайтида ўқувчилар табиий жараёнларнинг кечишини ўз кўзлари билан кўришади, ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида мулоҳаза юритишади. Бу жараённинг энг муҳим жиҳати шуки, унда дарсда ўрганилган назарий билимлар бойитилиб, амалда синаб кўриш имкониятлари бўлади.

Биз сайр ва саёҳат объекти қилиб Зарафшон қўриқхонасини олдик. У Самарқанд вилояти жанубий-шарқий қисмида — Жомбой ва Булунғур туманлари ҳудудида жойлашган, Зарафшон дарёси ёқалари бўйлаб 47 км. масофага чўзилган. Эни 1000-1200 м. майдони 2360 гектарни ташкил этади. Бу ерда тўқай ўсимликларининг 300 тури мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган. Қўриқхонада ўсимликларни сақлаш ва кўпайтириш соҳасида жуда катта илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Зарафшон қўриқхонасида ҳали табиат ўз "табиийлиги"ни буткул йўқотмаган. Тупроғи донадор, чиринди қатлами қалин, шу боис унумдорлиги ҳам яхши. Ташқарисида эса, тупроқ зичлашганлиги, чиринди қатлами юпқалиги сабабли унумдорлиги паст. Қўриқхонада турли ўт-ўланлар, буталар, ўртача баландликдаги дарахтлар қават-қават ўсиб ётибди. Бу ерда толнинг икки тури кенг тарқалган. "Қизил китоб"га киритилган корольков шафрани (маҳаллий номи — бойчечак)ни кўп учратиш мумкин. Тустовуқлар эркин юрибди. Каклик, бедана каби қушларнинг сайроғи қулоққа чалинди. Қўриқхона ташқарисида эса буткул бошқача манзара: ўсимлик ва ҳайвонот дунёси камайиб кетган, унда-бунда учрайдиган буталарни ҳам моллар ярим-ёрти еб кетган.

Қўриқхона ҳудудида ер ости сувлари юзада бўлиб, улар булоқлар шаклида сизиб чиқиб ётибди. Сув сероблигидан ўсимликлар яшнаб турибди. Қўриқхонадан чиқиб дарё қайирларига назар солинса, ер ости сувлари пастда жойлашганлиги сабабли ўт-ўланлар сарғайиб қолганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Зарафшон қўриқхонаси табиатидан экологик тарбия мақсадларида фойдаланишда Жомбой тумани 27-мактаб ўқитувчиси Нурилла Очилов олиб борган ишлар бизда қаноат ҳосил илди. У VIII синф ўқувчилари билан ўтказиладиган саёҳатга қуйидагича режа тузган:

1. Табиатнинг яхлитлиги тўғрисида ўқувчиларда тушунчалар ҳосил қилиш;
2. Табиат унсурларидан бирининг ўзгариши бошқаларининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади;
3. Ҳозирги вақтда инсон хўжалик фаолиятининг табиатга таъсири кучайганлигини кўрсатиш;
4. Табиат муҳофазасига оид қўриқхонада қилинаётган ишларни тарғиб этиш.

Ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости сувлари сатҳи ҳамда тупроқ таркиби ўзгаришини кузатиб, табиат мажмуасига инсон таъсирини қўриқхона ва унинг атрофи билан солиштириб ўрганишга киришдилар.

Биз ушбу саёҳатда бевосита иштирок этдик. Ўқувчилар қўриқхона ва унга ёндош ерлардаги тўқайларнинг аҳволини таққослаб ўрганишга муваффақ бўлишди. Инсоннинг хўжалик фолияти тўқайларнинг бузилишига олиб келган, чорва молларининг меъёридан ортиқча боқилиши оқибатида эса ўсимликлар дунёси камбағаллашиб қолган.

Умуман, қўриқхонада ўлкамизда йўқолиб бораётган тўқай ландшафтларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида қилинаётган ишлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Қўриқхона ташқарисидаги ўзлаштирилган, табиати ниҳоятда қашшоқлашиб кетган ерларни кўрганда эса бу ерлар ҳам бир пайтлар қўриқхонадай тўқайлар бўлганлигига ишониш қийин эди. Географиядан ўтказиладиган сайр ва саёҳатлар назарий билимларни ойдинлаштириб, географик объект билан бевосита танишиш имконини беради.

Ўқитувчи сайр ва саёҳатлар ўтказиладиган жойларни ўзи олдиндан яхши билиш, тўхтаб ўтиладиган, дам олинадиган жойларни олдиндан белгилаб қўйиши лозим.

Сайр ва саёҳатларда суҳбат, савол-жавоб, мунозара услублари асосида фикр алмашиниб борилса, янада самаралироқ бўлади. Ҳар бир гуруҳ қилган ишларини кундаликда қайд қилиб боради, ўзларига бириктирилган вазифалар юзасидан материаллар тўплаб, мактабга олиб боради. Саёҳат пайтида ўқувчилар интизомга қатъий риоя қилиш, ҳар бир объектни синчковлик билан ўрганиш, табиатга озор бермаслик каби масалаларда огоҳлантирилади.

Саёҳат пайтида тўпланган нарсалар: ҳар хил тошлар, ўсимлик йиғмалари, зоологик намуналар мактабга олиб борилиб, улардан дарсларда ўқув воситалари сифатида фойдаланилади. Умуман, Нурилла Очиловнинг Зарафшон қўриқхонасига ўқувчилар билан уюштирган саёҳати, табиат қўйнига сайр ёшларга экологик тарбия беришда қулай восита эканлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кунда табиатни муҳофаза этиш, халқимиз олдида турган долзарб муаммо экан, бу каби тажрибаларни кенг тарғиб этиш керак.

**Асқар ҲАЙИТОВ,**
**Қарши давлат дорилфунуни география ва геоэкология кафедрасининг катта ўқитувчиси.**

# МУСТАҚИЛ ЎҚИШ ВА ИЖОДКОРЛИК ОМИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида биология фани ўқитиш сифатини янада ошириш кўзда тутилгани шу соҳа мутахассислари учун жуда аҳамиятлидир. Биология курсининг асл мақсади ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни ғоявий-сиёсий, аҳлоқий, эстетик ва экологик руҳда тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ўқитиш жараёнини ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатлари билан бирга қўшиб олиб боришга қаратилган. Демак, биология ўқитувчисининг ўқувчиларни агрономия, зоотехника усуллари, селекция ютуқлари билан таништиришга эътиборни кучайтириши, мактаб ўқув-тажриба бўғинларида ўғил-қизлар билан турли амалий ишларни бажариши мақсадга мувофиқ бўлади.

Инсон табиат қонунларини билиб, ўрганиб, иккинчи табиатни яратади. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон табиатни катта меҳр билан авайлаб севмоғи лозим.

Табиат билан доимий мулоқотда бўлиш эса шахснинг ахлоқий ривожланишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Ер, сув, ҳаво, ўсимликларга масъулият билан қараш асосида инсон жамиятда тутган ўз ўрнини англаб етади. Ана шу ҳис ўзи туғилиб ўсган ерга, она-табиатга муҳаббатни келтириб чиқаради, яъни табиатни севиш — бу Ватанни севиш, унинг тинчлигини авайлашдир.

Мактабда биология кечаларини ўтказиш ўқувчиларнинг табиатга бўлган қизиқиши ва билимларини янада оширади. Натижада улар табиат ҳодисаларига нисбатан кузатувчан бўладилар. Шунингдек, мактабда ўтказиладиган биология кечалари ўқувчиларнинг табиат муҳофазаси, экология, эстетика ва бошқа масалалар бўйича олган билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлайди. Ўқувчиларни табиат ва табиий ресурслардан оқилона ҳамда тежамкорлик билан фойдаланишга, Ватанимиз бойликларига меҳр кўзи билан қарашга ўргатади. Қолаверса, бундай кечалар ўқувчиларнинг меҳнатга қизиқишини оширади. Келажакда ким бўлсам экан, деган саволга тўғри жавоб топишга ёрдам беради.

Биология машғулотларида миллий тарбияга ўз ўрнида эътибор бериб борилса, дарс янада мазмунли ўтади. Мен 9-синфда "Тери гигиенаси", "Терини совуқ урганда ва куйганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш", "Кўриш органининг гигиенаси" каби мавзуларни тушунтиришда миллий тарбияга қуйидагича ёндошаман. Одам соғлом бўлишининг муҳим шартларидан бири тери тоза бўлишидир. Кирланган теридан ажралаётган ҳужайралар тери ёғи билан бир-бирига ёпишиб, ёғ ва тери безлари йўлини беркитиб қўяди. Фақат иссиқ сувда совунлаб ювиниш билангина терини барча ажралган маҳсулотлардан ва микроблардан тозалаш мумкин.

Энди икки оғиз гап маданиятлилик, тарбия кўрганлик, одоблилик тўғрисида. Бу хусусиятлар инсоннинг ташқи қиёфасида ҳам намоён бўлади. Чунки кўча-куйда, учрашувларда нотаниш кишиларни учратар эканмиз, аввало унинг ташқи қиёфасига назар ташлаймиз. Шунга қараб у ҳақда муайян хулосага келамиз. Шундай экан, ҳар биримиз кийинишда, юриш-туришда ўз одобимизни, ўзбеклигимизни эсдан чиқармайлик. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ҳамда биология фанидан синфдан ташқари машғулотлар ўтказишнинг тарбиявий аҳамияти жуда каттадир.

**Барно ОТАНИЁЗОВА,**
**Хонқа туманидаги Муқимий номли 18-ўрта мактабнинг биология фани ўқитувчиси.**

# АЖРАЛМАС ҲАЛҚА

Касбдошларим дарсларини кўп бор кузатиб, таҳлил этиб бир нарсага ишонч ҳосил қилганман. 45 дақиқалик дарс давомида ҳар қайси муаллим ўз фани бўйича ўқувчига пухта билим беришга интилади. Лекин кўпинча тарбия унинг эътиборидан четда қолиб кетади. Ўн бир йил ана шундай ўтади. Ҳолбуки, тарбия, ўқувчилар келгусида оддий ишчи бўладими ёки зукко олим бўлиб етишадими, бундан қатъий назар, уларнинг ҳар бири учун умри давомида керак бўлади, ҳаётий эҳтиёжга айланади. Одоб-аҳлоқ, инсоний фазилатлар оилада ҳам, ишда ҳам, жамоат жойларида ҳам бирдай керак бўлади.

Зеро, тарбия таълимдан устун. Негаки, тарбиясиз ўқувчига илм ҳам, ҳунар ҳам ўргатиб бўлмайди.

Ўқувчиларга нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари тадбирларда ҳам тарбия ва таълим берилади. Бу жиҳатдан тарбияга оид ҳар хил тўгараклар, кечалар, учрашувлар, қизиқарли беллашувлар, конференцияларнинг аҳамияти беқиёс. Ўқувчилар бу каби тадбирларда тарбия олибгина қолмай, фанларнинг у ёки бу соҳасидан билимини бойитади ҳам. Буни яхши тушунган мактабимиз жамоаси тарбияни таълим билан уйғун олиб боришга диққатини қаратган. Синфлараро турфа мавзуларда беллашувлар, "Иқбол", "Балли, қизлар", "Балли, йигитлар" каби кўрик-танловлар, учрашувлар, китобхонлар конференциялари, қизиқарли кечалар, эрталиклар ўтказиб турилади. Анъанавий байрамлар кенг нишонланади.

Биз тарбия муассасалари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Туман марказидаги санъат мактабига 41, "Ёш техниклар" станциясига 67, спорт мактабига 40, ўқувчи-ёшлар уйига 144, туман болалар кутубхонасига 320 дан ортиқ ўқувчи қатнайди. Йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, дейилганидек, у ердаги тўгаракларда ўқувчилар турли касб-ҳунарларни ўрганишади.

Мактабда ўтказилаётган тадбирларнинг ҳам тарбиявий, ҳам таълимий аҳамияти жуд катта. Ўқув йили охирида 4-синфда "Нон—азиз" деган мавзуда эрталик ўтказилган. Саҳна нон ҳақидаги мақоллар, нон, дон турлари билан жиҳозланди. Ҳатто, кичкина тандир ҳам қўйилди. Ўқувчилар нон ҳақида шеърлар, ашулалар, ҳикоя, ривоят, эртак, мақоллар айтишди. Ноннинг дастурхонга келиш жараёнини талқин қилишди. Ўқувчилар ўзлари ясаган қўғирчоқлар воситасида нон ҳақидаги халқ эртагини саҳналаштириб, уруш йилларида одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат нақадар юксак даражага кўтарилганлигини талқин этишди.

Бу каби тарбиявий тадбирлар ўқувчилар қалбида эзгулик, инсонийлик хислатларини шакллантирмоқда.

**Шамидулла ОТАҚУЛОВ,**
**Пойариқ туманидаги 1-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Халқ таълими аълочиси.**

*

НАЗМ

*



**Муҳитдин ЖАББОР**

***

Чуқурроқ кириб бор юрак қатига,
Ҳаётда қоқилмай юраман десанг,
Зийрак тур ёлғончи сўзи — хатига,
Соф дўстга дўст бўлиб тураман десанг.

***

Ҳайкал — не керак бизга дамо-дам,
Бир куни албатта узилар қадам.
Менга етарлидир,
бир кун десалар:
Кетди орамиздан бир яхши одам.

***

Омадим, иродам, қатъийлигим бор,
Шундан жангдан чиқдим юқтирмай ғубор.
Йиллар-ку бошимга оқин индирди,
Аммо қалб ёшлиги кетмагай зинҳор.

***

Илон — камар эмас, чаён — тақинчоқ,
Улар заҳридан бўлгин эҳтиёт.
Ҳушёр бўл, тутмагин бундайин ўртоқ,
Унда оғу бўлар бу ширин ҳаёт!

***

Бир кўнгилни вайрон этмаклик учун
Йиғламай айтилган бир сўз кифоя.
Бир дилни ғамларга тўлдирмоқ учун
Ғазабли тикилган бир кўз кифоя.
Менга иқбол керак ва шодлик керак,
Табассум парвози, хаёл парвози.
Равон уриб турсин ишқ тўла юрак,
Армонга тўлмасин ошиқлар сози.

### КУТИШ

Сен келасан,
Айтди олис юлдузлар,
Тунда мудраётган ҳаволар
Айтди,
Сен келасан...
Уйқудаги гуллар бу ҳақда сўзлар,
Сен келасан,
Айни тонг пайти.
Сен келасан,
Сен келасан,
Сен келасан...
Бу боғ орзуларни этади бунёд,
Мен ёшман, ёшликдай тошқин умрбод.
Сен келасан.
Сен келасан —
Шамол қулоғимга шуни шивирлар,
Ўз ўйимдан вужуд аста жимирлар...
Сен келасан!



**Андижон вилояти болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида "Истиқбол" рақс дастаси қизлари Гулчеҳра Исмоилова раҳбарлигида шу кунгача миллий рақсларимиздан ташқари жаҳон халқлари рақсларини ҳам ўрганиб олишган. Ёш раққосалар ҳиндча, арабча, афғонча рақсларни хўжаликларда, турли қурилиш ва ташкилотларда намойиш этиб, олқиш олишмоқда. Улар иқтидорли болаларнинг республика III слётида учинчи ўринни эгаллашгани ҳам даста раққосаларининг тинимсиз изланаётганидан далолатдир.**

**Суратда: Янги рақс устида машқ.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

*Олтин ёз*

## "АЛОҚАЧИ" ОРОМГОҲИДА

Қайнарбулоқнинг соя-салқин гўшаси бўлган "Алоқачи" оромгоҳида Қашқадарё вилоятидаги алоқа бўлимлари ходимларининг 90 га яқин фарзанди ҳордиқ чиқаришмоқда. Оромгоҳ Ҳисор тоғ тизмалари этагидаги Кўнғизли тоғ Қўрғон тоғ ёнбағирларига жойлашган бўлиб, унинг қоқ ўртасидан Сакитма сойи оқиб ўтади.

— Дам олиш маскани 10 гектар ерни эгаллайди, — дейди оромгоҳ бошлиғи Ортиқ Кенжаев. — Бир пайтлар бу жойлар қақроқ дашт эди. 1980 йилдан бошлаб оромгоҳни қуришга киришдик. 1985 йилдан "Алоқачи" болаларни қабул қила бошлади. Албатта, бу жойни обод қилиш учун кўп е ибюгуришга тўғри келди. Ҳозир 10 минг туп дарахт мавжуд булса, шундан 8000 тупи мевали дарахтларни ташкил этади. Биргина ўтган йили 7000 дона терак қаламчаси, 200 туп ёнғоқ, 500 туп ток экилди. Бу ишларда жамоамизнинг Мавлон Бойназаров, Маннон Муҳаммадиев, Зафар Кенжаев, Шавкат Раҳмонов, Мўмин Муҳаммадиев каби аъзолари жон куйдириб меҳнат қилишди. Токзорлар орасига қовоқ ва қовун-тарвуз экканмиз. Тепаликларга насос билан сув чиқариб, суғораяпмиз.

Ортиқ аканинг гапида жон бор. Яккабоғсой чашма сувларини ичиб кўрганингизда, бу ернинг хосияти кўплигига ишонасиз. Салқин, баҳаво оромгоҳ қўйнида Насибулла Ҳодиев бошчилигида тарбиячи ва етакчилар таҳсинга лойиқ ишларни олиб боришмоқда. Оромгоҳнинг бош етакчиси Ҳикмат Самадов, тарбиячи ва етакчилардан Нуриниса Сирожова, Музаффар Бурҳонов, Аббос Ҳодиев ва бошқалар қизиқарли тадбир ва баҳслар, саёҳатлар ўтказиб, ўқувчиларда турли фанларга, спортга ва табиатга меҳр уйғотишмоқда. Мусиқа раҳбари Акмал Бекбоев, жисмоний тарбия ва сузиш бўйича мутахассис Зафар Исаевлар олиб бораётган ишлардан кўпчилик мамнун.

Тоғларга саёҳат болаларнинг севимли юмуши бўлиб қолган. Шахмат-шашка мусобақаси, "Катта югуриш куни", "Билимлар мамлакатига саёҳат", "Мусиқа жавони", "Саломатлик куни", "Нептун байрами", шоир Абдулла Орипов ижодига бағишланган мушоиралар ҳам уларда катта таассурот қолдирди. Оромгоҳдаги Амир Темур номли ёшлар дружина кенгаши ўтказаётган тадбир ва йиғилишларнинг мазмуни ўқувчиларни она Ватан, дўстлик, эзгулик ва адолат учун толмас курашчилар қилиб етиштиришга қаратилган.

**Ҳ.САМАДОВ.**
**Қашқадарё вилояти, Китоб тумани.**

*Мулоҳаза*

## АҚЛНИ ПЕШЛАШ ЎЙИНИ

Хотира деган сўзни ҳамиша эшитган бўлсак-да, у тўғрисида камдан-кам биламиз. Руҳшунослар хотира юзасидан ажойиб тажрибаларни ўтказишган. Булардан баъзи бирларини билиб қўйсак ёмон бўлмайди.

Биринчи тажриба. Масалан, эшитиш хотирасининг натижаси 15 фоизга тенг экан. Албатта, бу ўрталаштирилган натижа. Бир ўқувчи 15 фоиздан кўпроқ, иккинчиси эса камроқ ахборотни эслаб қолиши мумкин.

Иккинчи тажриба. Кўриш хотирасининг натижаси 25 фоизга тенг. Демак, кўриш хотираси эшитиш хотирасига нисбатан деярли 2 баробар ортиқ. Аммо ўқувчи кўрган ахборотнинг фақат тўртдан бир қисмини хотирасида сақлаб қолади.

Учинчи тажриба. Эшитиш ва кўриш хотираларнинг умумий натижаси 65 фоизга тенг. Ўқувчига бир ахборот экранда ёки моделда кўрсатилса ва шу пайтда ахборот тўғрисида гапириб тушунтирилса, у кўрсатилган ва эшиттирилган ахборотнинг 65 фоизини хотирасида сақлаб қолади.

Шахмат ўйинида ҳам ўқувчи ахборотни кўриш ва эшитиш йўллари билан қабул қилади. Аммо қабул қилинган ахборот ўқувчининг миясида қайта ишланади. Шахмат ўйини пайтида ўқувчи шахмат тахтасини кузатиб туради, навбатдаги юришдан олдин ўйлайди, фикр юритади ҳамда шахмат майдонида режалар тузади. Кейинги юриш навбати келганда шахмат тахтасидаги баъзи шахмат доналарининг ўрни ўзгарган бўлади. Шунинг учун шахмат тахтасидаги доналарнинг жойланишини, тарафларнинг кучларини ўқувчи чамалаб кўради. Навбатдаги яхши юришни танлашдан аввал у яна ўйлайди, фикр юритади. Бу ҳол ўйин тамом бўлгунча такрорланаверади.

Шахматни ақлни пешлаш ўйини, деб бежиз айтишмаган. Бу ўйин бир томондан қараганда — спорт. Икки рақиб ўзаро курашади, кураш ақлий бўлгани учун рақибларнинг мияси компьютер каби тез ва аниқ ишлаши лозим. Кўп комбинациялар хаёлда кўриб чиқилиб, энг тўғри варианти қабул қилинади. Ўқувчининг ақли шахмат ўйини туфайли чиниқади ва математика ҳамда бошқа аниқ фанларни ўзлаштириш учун замин яратади.

Иккинчи томондан бу ўйин — санъат. Шахмат ўйинидаги комбинациялар чиройли бўлгани учун бу ўйинни санъат деб ҳам ҳисоблашади.

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги 46-мактабда ҳамда Акмал Икромов туманидаги Миллий ҳунармандчилик марказидаги шахмат тўгаракларига 2-9-синф ўқувчилари қатнашиб келишмоқда. Юқори синф ўқувчиларига қараганда 2-3-синф ўқувчилари шахмат ўйинига кўпроқ қизиқишади ва уларнинг ўйлаши, фикр юритиши ва ахборотни қабул қилиши ҳам катталарга нисбатан унумлироқ. Шуларни ҳисобга олиб, ёш авлоднинг фикрлаш қобилиятини ўстириш ниятида мактабларнинг 2 ва 3-синфларида ҳафтада 1 соат шахмат дарси ўтилса, айни муддао бўларди.

**Эсонбой АЛИМЖОНОВ,**
**Акмал Икромов туманидаги Миллий ҳунармандчилик маркази амалий топография ва ҳаттотлик ўқитувчиси.**

## БОЛАЛАРНИ ФАЛОКАТДАН АСРАЙЛИК

Болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш ва уларда йўлда юриш маданияти бўйича тўғри малакаларни тарбиялаш йўл ҳодисаларида болалар шикастланишининг олдини олишда асосий ўрин тутади. Бу ишнинг муҳим шартларидан бири йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишнинг юқори савияда бўлишидир.

Йўл ҳодисаларининг таҳлили уни кўрсатадики, болаларнинг кўча ва йўллардаги юриш-туриши, уларда йўлдаги оддий вазиятларда ҳам хавфни баҳолай билиш кўникмаларининг йўқлиги бахтсиз ҳодисаларнинг асосий сабаби бўлмоқда. Йўл ҳодисаларининг ўнтасидан тўққизтасида болалар хавфни ўз вақтида сезишмайди ёки транспортнинг тезлигини ҳисобга олишмайди.

Республикамиз мактабларининг 5–8-синфларида йўл ҳаракати қоидалари 17 соатлик дастур асосида ўргатилмоқда. Бу машғулотларни олиб бораётган ўқитувчиларга мажбурий бўлмаган дарс соатлари ҳисобидан ҳақ тўланмоқда. Йўлда юриш маданияти борасидаги билимлар жуда зарур бўлган 1–4-синфларда эса бу машғулотларни ўтказиш синф раҳбарларига топшириб қўйилган. Уларга бунинг учун ҳақ тўланмайди. Натижада машғулотлар деярли ўтказилмаётир. Қолаверса, уни қандай ўтказишни ўқитувчининг ўзи ҳам билмайди.

Яқинда йўл ҳодисасида ҳалок бўлган бола ўқиган мактаблардан бирига бордим. Қоидани ўқитиш мактаб илмий бўлим мудирига юклатилган экан. Мен ундан йўлни кесиб ўтиш қоидасини гапириб беришни илтимос қилдим. Мудир тўғри жавоб бера олмади. Шунда марҳум ўқувчи ўқиган 2-синфга дарсга кириб, ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Мудирга берган саволимга бир қизча бурро-бурро қилиб жавоб қайтарди. Жавобни тингларканман, мактаб директорининг менга қараб маъноли жилмайиб турганини сездим. Бу табассумнинг маъноси кейин маълум бўлди. Буни қарангки, ҳалиги қизча қоида ўргатувчи бўлган ўша мудирнинг қизи экан. Мен унга "Қоидани қизингиздан ўргансангиз бўларкан", деганимда анча ноқулай аҳволга тушди.

Яна бир мисол. Мактаблардан бирида 8-синф ўқувчиси отасининг машинасини ҳайдаб, боғча ёшидаги болани уриб юборган. Мактабда бўлганимда, қоида ўқитувчисига ўзи журналга ёзиб қўйган мавзулар асосида 2 та савол бердим:

1-савол: Синф журналида ёзиб қўйганингиз бўйича Сиз апрель ойида "Пиёдалар ва йўловчиларнинг вазифалари" деган мавзуни ўтгансиз. Айтинг-чи, йўловчи ва пиёда ўртасида фарқ борми?

Жавоб: Пиёда — бу пиёда. Йўловчи — узоқ масофага кетаётган пиёдадир.

2-савол: Ҳаракатнинг ёш инспекторлари отрядлари қачон ташкил этилган? Сиз бу мавзу бўйича ҳам машғулот ўтказгансиз.

Жавоб: (Анча давом этган сукутдан сўнг) кечирасиз, билмайман.

Мисолларни шарҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Бундай ўқитувчилар республикамизда анчагина.

Бундан 5–10 йил илгари йўлда юриш маданияти бўйича билимларни ўргатиш иши қандай ташкил этилаётгани билан танишиш учун мактабларга борганимизда, ўқитувчилар ўзбек тилида қўлланма йўқлигидан нолиб, машғулотлар сифатсиз ўтказилаётганини айтгандилар. Шунда мен бундай қўлланма яратишни кўнглимга тугиб қўйгандим. 1991 йилда Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси ҳомийлигида шундай қўлланмани яратдим. Боғча тарбиячилари, мактабларнинг бошланғич синф ўқитувчилари ва ДАН ходимлари учун мўлжалланган бу қўлланмани Тошкентдаги "Меҳнат" нашриёти босмадан чиқарди. Аммо қўлланма ҳам ишда бурилиш ясай олмади. Чунки аввал иқтисод, кейин сиёсат деганларидай, қоидани ўқитгани учун ойлик маоши олмаётган ўқитувчилар расмиятчилик учунгина ишлаяптилар.

Болаларга йўлда юриш маданияти боғча ёшидан ўргатилса, кичкиналигида таркиб топган яхши одатлар унинг характеридаги ижобий хислатлардан бирига айланади. Лекин болалар боғчаларида бу ишга эътибор берилмаётир. Бунинг асосий сабаби машғулотларни ўтказиш учун алоҳида тарбиячи-методист лавозимининг йўқлигидир.

Республикамиз ҳудудида болалар билан боғлиқ бўлган йўл ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан қуйидагиларни таклиф қилмоқчи эдим:

Биринчидан, боғчаларда болаларни йўлда юриш маданиятига ўргатадиган махсус тайёргарликка эга бўлган методист-тарбиячи лавозимини таъсис этиш, иккинчидан, бошланғич синфларда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитишни дастурга киритиш, учинчидан, вилоятлардаги барча педагогика олийгоҳларининг бошланғич таълим методикаси бўлими ҳамда педагогика билим юртлари ўқув дастурларига мактаб ва боғчаларда йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш бўйича фанни жорий этиш. Шунингдек, вилоятлардаги малака ошириш институтларида йўл ҳаракати қоидаларини ўқитиш бўйича кабинет ташкил этиш, янги лойиҳалаштирилаётган мактаб ва боғчаларда автомайдончалар бўлишини кўзда тутиш зарур деб ҳисоблайман.

Болаларнинг йўл-транспорт ҳодисалари туфайли шикастланишнинг олдини олиш учун собитқадамлик билан иш олиб боришни, бу масалага жиддий муносабатда бўлишни талаб этади. Мутасадди ташкилотлар бу ҳақда жиддий бош қотиришлари жоиз.

**Комил ТОЖИЕВ,**
**Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси давлат автомобил назорати бўлими ходими, милиция**

## ҚУТЛАЙМИЗ



**Ҳурматли ойижонимиз Ҳанифа ҲОТАМОВА!**

Сиз 35 йилдирки, Булунғур, Самарқанд туманларидаги мактабларда риёзиётдан дарс бериб, кўплаб шогирдлар етиштирдингиз. Ҳозир улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаяптилар...

Таваллуд топган кунингиз билан сизни чин дилдан муборакбод этамиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг.

**Ҳурмат билан оила аъзоларингиз.**

**Хурматли Асқарали НОСИРОВ!**



Сиз кўп йиллардан буён Фарғона вилояти Фурқат туманидаги 5-мактабда кимё-биология фанидан ёшларга таълим-тарбия бериб, кўпгина ўқитувчилар орасида ўз тажрибангиз, ижодкорлигингиз билан устоз деган номга мушарраф бўлиб келаяпсиз...

Сизни муборак 60 ёшингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

**Фарзандларингиз, Фурқат тумани халқ таълими бўлими ходимлари ва 5-мактаб жамоаси.**



**Ҳурматли Йўлдош ЭРГАШЕВ!**

Сизни таваллуд топган кунингизга 55 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлаймиз. Ёшларга математика фани сирларини ўргатишда куч-ғайрат, соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

**Бўстонлиқ тумани халқ таълими бўлими жамоаси.**

**Қадрли Насриддин ОХУНЖОНОВ!**



Сизни туғилган кунингиз билан муборакбод этиб, учқўрғонлик маорифчиларга бош-қош бўлиб, кўплаб хайрли ишларни амалга оширишингизда мустаҳкам саломатлик, бахт, омад тилаймиз!

**Ёр-биродарларингиз, ҳамкасбларингиз, фарзандларингиз.**

## ХАНДАЛАР

**Гуруҳ раҳбари талабаларнинг биридан сўради:**

**— Кечирасиз, фамилиянгиз ва исмингизни айтсангиз?**

**— Ёриб Тешаман...**

***

**— Чивиндек жонинг бор-у, намунча ўшқирмасанг?**

**— Филдек виждоним бор, ўша ўшқиртираяпти..**

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ.**

## Топқирлик машқи

**ЭНИГА:** 3. Кузда пишиб етиладиган мева. 4. Ўсимликнинг умумий белгиларига кўра бир хил тури. 6. Ингичка, узун баргли, серсоя дарахт. 8. Илдизмевали хушхўр сабзавот. 10. Узун баргли, кўп йиллик гиёҳ. 12. Ўсимлик ёки дарахтнинг ҳар бир донаси. 14. Баҳор гули. 15. Кўп йиллик, серилдиз ёввойи ўт. 17. Уруғи таомни хуш-хўр қилувчи ўсимлик. 18. Атиргуллилар оиласига мансуб, меваси нордон дарахт. 19. Пахта ўсимлиги тупи. 20. Гуллари қизил, меваси донадор бута ўсимлиги.

**БЎЙИГА:** 1. Сабзавот экини тури. 2. Барги шифобахш баҳор кўчати. 3. Баъзи турлари манзарали кўк гулли ёввойи ўт. 5. Чўл ва адирларда ўсадиган паст бўйли бир йиллик ўт. 7. Япроқлари йирик, кўп йиллик шифобахш гиёҳ. 9. Жануб тоғларида ўсадиган меваси мазали, паст бўйли дарахт. 10. Уруғи қора, аччиқ, қир-адирда ўсадиган ёввойи ўт. 11. Ўсимлик тупини кўпайтириш усули. 12. Данакли ҳўл мевалардан бири. 13. Итузумлар оиласига мансуб, ҳосили қизил сабзавот экини. 15. Эртапишар узум нави. 16. Сабзи нави.

**Фозилжон ОРИПОВ тузган.**



Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси халқ таълими Бош бошқармаси, Чилонзор тумани халқ таълими бўлими ҳамда 56-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ директори

**Ҳасанхон ҒОФУРОВ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати, касаба уюшмаси шу институт ўқув бўлими бошлиғи Раъно Усмоновага отаси

**Шукур УСМОНОВ**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Замира Тўлаганова.